

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 24 октябрь, № 209 (5629) Чоршанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Ахмедов Асомиддин Акайиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлиғининг ўринбосари

### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Жаҳонгиров Алихон Бўронович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

**Юлдашев Аллаяр Норимович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

### «Дўстлик» ордени билан

**Амиров Радик Фаизович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

**Ситников Дмитрий Анатольевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бўлим бошлиғи

**Хван Ревмир Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори

### «Жасорат» медали билан

**Бадалов Фозилжон Алимназарович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Байбутаев Камолиддин Исроилович** — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бўлинма бошлиғи

**Исламов Азизбек Рустамжонович** — Андижон вилояти Асака тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Калимбетов Руслан Уразханович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Кушаков Жахонгир Курвоналиевич** — Наманган шаҳар ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Самандаров Шароф Шавкатович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Саттаров Зафар Козимжонович** — Андижон шаҳар ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бошлиғи

**Султонов Муроджон Маманазарович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Ҳожимирзаев Сайфиддин Фазлитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлими катта тезкор вакили

**Чульбаев Жамолиддин Исамиддинович**(марҳум) — Жиззах вилояти Янгиобод тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Бурлиев Фуркат Юнусович** — Самарқанд вилояти Жомбой тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Джураев Акмалжон Хомидович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи

**Игамбердиев Мухаммад Шарипович** — Фарғона шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Қўриқлаш» бўлими бўлинма бошлиғи

**Исматов Равшан Нематович** — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси «Қарши» темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими бошлиғи

**Казимбаев Орифжон Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Қўриқлаш» республика бирлашмаси бўлим бошлиғи

**Парпиев Дилшод Фахриддинович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Ражабов Вахоб Шарифович** — Бухоро вилояти Ғиждувон тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими катта инспектори

**Расулов Абдухамид Рашидович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Рустамов Улуғбек Қобилович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Умирзоқов Зоҳид Солиқович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори

**Уринов Шокир Ботирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги терговбош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Эшов Намоз Санокулович** — Тошкент шаҳар Учтепа тумани ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлимининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдужаббаров Бобоназар Уроловnatsич** — Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Вахидова Мавжуда Шукуровна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборот маркази бўлинма бошлиғи

**Давлатов Гафуржон Оллаберганович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи

**Очилов Нодиржон Низомиддинович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси катта тезкор вакили

**Сайипова Барно Тургуновна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги молия-иқтисод бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Хайитов Улуғбек Хазратиллоевич** — Навоий вилояти Қизилтепа тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Холбаев Анвар Артикбаевич** — Сирдарё вилояти Боёвут тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 23 октябрь

***Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида барқарор иқтисодий ривожланишга эришилмоқда. Айрим давлатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий асоратларини бартараф этолмаётган ҳозирги мураккаб шароитда Ўзбекистонда барча тармоқлар, хусусан, саноатда жадал ўсиш суръатлари таъминланаётгани, айниқса, қувонарлидир.***



# Саноатимизнинг юксак салоҳияти

**“Ўзэкспомарказ” мажмуасида иш бошлаган VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида намойиш этилмоқда**



**2012 йилнинг 9 ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,2 фоизга ўсди.**



Шубҳасиз, бундай муваффақият замирида Президентимиз ташаббуси билан ҳаётий дастурларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани, қулай инвестициявий муҳит яратилгани, саноат корхоналари модернизация қилинаётгани мужассам, десак, муболаға бўлмайди. Саноатимиз салоҳияти тобора юксалиб, рақобатбардошлиги таъминланиши эса, ўз навбатида, ташқи бозорга чиқиш имкониятини кенгайтирмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,4 фоизга кўпайгани шундан далолат беради.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, келгуси йил учун буюртмалар портфелининг шакллантирилиши, энг асосийси, чет эллик ҳамкорлар билан иқтисодий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишида Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси муҳим бозор вазифасини ўтаяпти. Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2009 йил 1 декабрдаги “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ўтказилаётган ушбу тадбирлар анъанавийлик касб этгани саноатчиларнинг айни дилидаги гап бўлди. Негаки, улар иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг узоқ муддатли хўжалик алоқаларини шакллантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни янада ривожлантириш, бозор инфратузилмасини такомиллаштириш имконини бераётир. Буни тасаввур қилиш учун ўтган йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида эришилган натижаларни эслашнинг ўзи кифоя.

(Давоми 2-бетда).

# Тошкент анжуманининг якунлари Лондонда муҳокама қилинди

*Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонасида жорий йил 12 — 14 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференция якунларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.*

## Дунё нигоҳи

Унда Буюк Британия ва Норвегия ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ҳамда ишбилармон доиралари, шунингдек, Буюк Британия — Ўзбекистон жамиятининг вакиллари қатнашди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур анжуманнинг очилиш маросимида сўзлаган нутқи билан атрофлича танишдилар.

Тадбир чоғида дунёнинг 50 дан зиёд мамлакати вакиллари қатнашган Тошкент анжуманини ўтказишдан кўзланган мақсад мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш борасида эришилган муваффақиятларни намойиш этиш ҳамда бошқа давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш билан изоҳланиши алоҳида таъкидланди. Давра суҳбатида иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели”ни ҳаётга татбиқ қилиш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялашнинг асосий босқичлари ҳамда тамойиллари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб борилаётган давлат сиёсати билан боғлиқ маълумотларга алоҳида урғу берилди. Шунингдек, Ўзбекистонда бу йўналишда олиб борилаётган оқилона сиёсат Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли ташкилотлар томонидан ҳақли равишда эътироф этилгани ҳам таъкидланди. Ўзбекистоннинг хорижлик шериклар билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканлиги давра суҳбати қатнашчилари томонидан юқори баҳоланди.

(Давоми 2-бетда).

# ЎМОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Ўмон Султонлиги Ташқи ишлар вазирлиги бош котиби Саид Бадр бин Ҳамад ал-Бусаидий раҳбарлигидаги делегация аъзолари 23 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида учрашув ўтказди.*

Учрашувда Ўзбекистон билан Ўмон ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг октябрь ойида Ўмон Султонлигига давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада юқори поғонага олиб чиқди.

Музокарада ушбу ташриф чоғида эришилган келишувларнинг ижроси ва икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди. Анъанавий алоқалар, ҳамкорликни кенгайтиришга муштарак интилиш Ўзбекистон — Ўмон мулоқотини ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон билан Ўмон ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

## Дил сўзи

*Озод ва обод, тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон юртда яшаш улуғ бахт. Буни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси теран англамоғи, қадрламоғи лозим, деб ўйлаймиз. Зеро, мустақиллик туфайли Президентимиз раҳнамолигида улкан ислоҳотлар жорий этилмоқдаки, унинг самарасидан ҳар биримиз баҳраманд бўлиб келаяпмиз.*

# Истиқлол саодати ва шукрона

Шу боис мамнуният билан айтамизки, истиқлол халқимиз учун чексиз имкониятлар эшигини очди. Унинг халқимизга берган бахт-саодатининг ҳад-ҳудуди йўқ. Давлатимиз раҳбарининг кеча матбуотда эълон қилинган “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарори ҳам мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатлари устувор эканлигига яна бир далилдир. Бу айём кунларида ташкил этиладиган турли маросимларда элимизнинг янада бахтли, дастурхонларимизнинг бундан-да баракотли бўлиши ҳар биримизнинг эзгу ниятларимиз ва саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ эканлигини инобатга олсак, ушбу қарорнинг аҳамияти ниҳоятда беқиёслигини англаб етамиз.

Халқимиз тийнатида меҳмоннавозлик, камтарлик, андиша, ўзаро иззат-ҳурмат, меҳр-оқибат, силаи раҳм каби умуминсоний қадриятлар мужассам.

(Давоми 2-бетда).

## Сана

*Бугунги кунда Ўзбекистон осойишталик мустаҳкам қарор топган, фаровон ҳамда тинчликпарвар юрт сифатида халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда.*

# Тинчлик ва барқарорлик йўлидаги самарали ҳамкорлик

Шуларга уйғун тарзда мамлакатимиз жаҳонда миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ва тинчликни янада мустаҳкамлашдек эзгу мақсад йўлида қатор нуфузли халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини изчил ривожлантирмоқда.

Шубҳасиз, улардан бири барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилот, халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонаси — Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир.

Кеча пойтахтимизда БМТ ташкил топган кунга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида ана шулар ҳақида сўз борди. Унда мамлакатимизнинг бир қатор вазирлик ва идоралари, жамоат бирлашмалари, халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

# Тинчлик ва барқарорлик йўлидаги самарали ҳамкорлик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор тараққий этаётган Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеи тобора юксалиб, бир қатор мамлакатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли алоқалари ривожланиб бораётир. Хусусан, БМТ билан ҳамкорлик ўзининг ёрқин самараларини бермоқда.

Юртбошимизнинг 2010 йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи катта қизиқиш билан кутиб олинди. Сабаби, унда МРМ доирасида Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишга оид фикр, ғоя ҳамда амалий таклифлар илгари сурилди. Булар эса халқаро миқёсда долзарб аҳамиятга эга бўлган муаммоларнинг самарали ечими билан узвий боғлиқдир.

Тадбирда Ўзбекистон БМТнинг қатор таркибий тузилмалари — Тараққиёт дастури, Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (ЮНФПА), Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси (ЮНОДС), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури (ЮНЭЙДС), Гендер тенглиги, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш масалалари тузилмаси, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётгани қайд этилди.

Чунончи, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби буюк аждодларимизнинг юбилейлари, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Самарқанд, Марғилон каби дунё цивилизациясида ўз ўрнига эга бўлган шаҳарларимиз, "Алпомиш" достони ҳамда "Авесто" китобининг тарихий саналари катта муваффақият билан нишонланди. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалининг ташкил этилгани ўзаро ҳамкорлигимизда янги саҳифа очди. Мазкур ажойиб санъат тадбири дунёнинг барча қитъаларидаги ўнлаб давлат вакилларига ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрига ташриф буюриб, ўз истеъдодини намойиш этиш имкониятини бераяпти. Миллий қадриятлар руҳини ўзида ифодалаган "Асрлар садоси" фестивалининг нуфузи ҳам ошиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳудудидаги тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида Умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз байрами, "Катта ашула", "Шашмақом" қўшиқлари, Бойсун миллий фольклор анъаналари инсониятнинг оғзаки ва номоддий мерослари рўйхатидан жой олган.

— Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида кенг кўламли чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этмоқда, — дейди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили вазифасини бажарувчи, БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг мамлакатимиздаги вакили Карл Кулесса. — Хусусан, ижтимоий-социал, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида жорий этилган дастурларнинг изчил рўёбга чиқарилаётгани ўзининг ёрқин самараларини бермоқда. 2011 — 2015 йилларда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирларига оид давлат режасининг қабул қилингани кўзда тутилган ишлар қамровини янада кенгайтиришга асос бўлаётир.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон ва БМТнинг ҳамкорликда амалга ошираётган лойиҳалари, БМТ таркибий тузилмалари фаолияти ҳақида маълумотлар берилди.

**Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Давлат харидларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш – давр талаби

*Мамлакатимизда давлат хариди тизимини изчиллик билан такомиллаштириш йўналишида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бунинг учун зарур бўлган ҳуқуқий-ташкилий пойдевор яратилган. Чунончи, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 7 февралдаги "Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва унга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида"ги қарори ҳам жабҳа ривожида муҳим ўрин тутмоқда.*

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Зеро, мазкур ҳужжат асосида давлат харидлари шаффофлиги оширилди. Хусусан, уларнинг янги тури — электрон аукционлар амалиётга жорий этилди, барча давлат харидлари бўйича махсус интернет порталда эълон бериш мажбурияти киритилди, қонунчиликни такомиллаштириш учун ҳукумат комиссияси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатида шулар алоҳида қайд этилди. Давлат харидлари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари, эксперт-олимлар қатнашди.

Давра суҳбатида демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштиришда давлат харидлари соҳасини ҳуқуқий-ташкилий жиҳатдан ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди. Зеро, бу мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил тараққий эттиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўлларини соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутиш, шунингдек, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Бу вазифалар "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририда ўз ифодасини топди.

Дарҳақиқат, ушбу йўналишда ўз ечимини кутаётган айрим масалалар ҳам мавжуд. Хусусан, давлат харидларининг алоҳида тури қайси ҳолатларда қўлланилишини, ҳар бир тур давлат харидларида бажариладиган жараён тартибларини аниқ баён қилишга, электрон савдоларнинг аниқлаштирилган тартибини ҳамда электрон харидларнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишга зарурат бор. Агар бу масалалар ҳал қилинмас экан, давлат харидларини амалга оширишда қонунийлик, шаффофликни таъминлаш осон кечмайди. Шу билан бирга, давлат харидлари бўйича тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги низомнинг янги таҳририни, Товар (иш, хизмат)ларни харид қилиш бўйича савдоларни ўтказиш тўғрисидаги, Товар (иш, хизмат)ларни тўғридан-тўғри ва соддалаштирилган усулда харид қилиш тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш, давлат харидлари бўйича бошқа қонуности ҳужжатларни унификациялаш ҳам муҳим масалалардан саналади. Бундан ташқари, бюджет ташкилотларининг харид жараёни барча босқичларини, яъни харидни режалаштиришдан тортиб, шартнома имзолаш ва унинг ижросини таъминлашни назарда тутувчи "Давлат харидлари бўйича стандартлар"ни ишлаб чиқиш зарурати ҳам кун тартибида турибди.

— Давлат харидлари орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишда энг катта аҳамиятга эга давлат сектори тегишли товарлар, хизматлар ва ишлар билан ўз вақтида таъминланади, — дейди қўмита аъзоси К. Жумамуратова. — Давлат бюджети харажатларининг каттагина қисми эса давлат харидлари орқали амалга оширилади. Бу бюджет мувозанатини сақлашга бевосита таъсир қилади. Бинобарин, давлат харидлари миқдорини энг мақбул даражада сақлаб туриш асосида зарур самарадорликка эришилади.

Тадбирда давлат харидларининг қонунчилигини янада такомиллаштириш кичик бизнес ва саноатнинг инновацион тармоқларини рағбатлантириш имкониятини кенгайтириши ҳам қайд этилди. Бугунги кунда соҳага оид ҳуқуқий пойдеворни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур жараёнларда тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда, хориж тажрибаси ўрганилмоқда. Буларнинг барчаси давлат харидлари механизмини соддалаштириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ролини оширишга хизмат қилади.

Тадбирда давлат харидларининг замонавий, самарали ва очиқ тизимини равнақ топтириш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди, таклифлар берилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Ўмон делегациясининг учрашувлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси билан Ўмон Султонлиги ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф этиш, шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти қатновига доир ҳукуматлараро битимлар ҳамда нефть-газ, кимё, қурилиш, олий таълим, сайёҳлик, сармоя каби соҳаларга оид қатор ҳужжатлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидаги учрашувда сармоявий соҳадаги муносабатларга алоҳида эътибор қаратилди ва бу соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича ижобий тажриба тўплангани таъкидланди. Ўмон томони "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" махсус индустриал зонаси имкониятлари билан таништирилди. Маданий-гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

— Ўзбекистон билан Ўмон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳаларда жадал тараққий этаётгани бизни ғоят қувонтиради, — деди Саид Бадр бин Ҳамад ал-Бусаидий. — Мазкур ташриф муносабатларимизни янада ривожлантириш борасидаги имкониятларни кенгроқ ишга солиш масалаларини кўриб чиқиш учун фойдали бўлди. Икки томонлама ҳамкорлик бундан кейин ҳам изчил равнақ топишига ишонамиз.

Ўмонлик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ҳам музокара ўтказди. Ўзбекистон — Ўмон сиёсий маслаҳатлашувларининг иккинчи давраси бўлиб ўтди.

Меҳмонлар Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирди. Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди.

**Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.**

# Саноатимизнинг юксак салоҳияти




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур тадбирга 70 мингдан ортиқ киши, шу жумладан, жаҳондаги кўплаб илғор фирма ва компанияларнинг 800 нафардан зиёд вакиллари ташриф буюриб, унинг доирасида 1000 дан зиёд маҳаллий корхоналарнинг 6500 хилдан зиёд маҳсулот ва хизматлари, уларнинг техник ва технологик имкониятлари билан яқиндан танишдилар. Якунда юртимиз саноатчилари ички бозорга маҳсулот етказиб бериш бўйича аввалги йилдагига нисбатан 35 фоиз, экспорт бўйича эса 44 фоиз кўп шартномалар тузишга муваффақ бўлди.

VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг очилиш маросимида таъкидланганидек, у икки босқичда ўтказилаётгани хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотларини кенгроқ тарғиб қилиш ва экспорт бўйича шартномалар тузиш имконини кенгайтиряпти. Шу боис бу гал ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 28 февралдаги "2012 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, ана шу нуфузли тадбир икки босқичда ўтказилмоқда. Яъни март — июнь ойларида унинг дастлабки босқичи доирасида ҳудудий ва тармоқлар кўргазма-ярмаркалари юқори савияда ташкил этилди.

Бу йилги саноатимиз форумининг якунловчи босқичи — VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида машинасозлик ҳамда автомобилсозлик, кимё ва нефть-кимё, фармацевтика ҳамда қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва енгил саноат каби иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида фаолият кўрсатаётган юзлаб корхоналар иштирок этмоқда. Шунингдек, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кенг ўрин ажратилган бўлиб, уларнинг маҳсулотлари намойиши учун кўргазма майдонлари имтиёзли шартлар асосида берилди.

— Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси биз, ишлаб чиқарувчиларга яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган келишув ҳамда битимларни имзолаш, янги ҳамкорлар топиш, экспорт жуғрофиясини кенгайтиришда муҳим механизмга айланди, — дейди "Тошрангметзавод" ОАЖ муҳандис-конструктори Равшан Ғуломов. — Масалан, 2012 йилнинг 9 ойида, ўтган йилги тадбирда тузилган шартномаларга мувофиқ, 19 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 387 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, юқори ўсишга эришилди. Экспорт ҳажми эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 2 баравар ортиб, 4,8 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Келгуси йилда бу кўрсаткичлар янада ошиши кутилаяпти. Чунки ярмарканинг биринчи иш кунидаёқ маҳаллий ва чет эллик харидорлар билан кўплаб шартномалар имзоладик.

Ярмарка доирасида мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналари, кичик бизнес субъектлари ва ҳудудлар саноат салоҳиятини кенгроқ намойиш этиш мақсадида тақдимот ва турли тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган. Хусусан, унинг биринчи иш кунида "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати", "Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати", "Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Мир Солар" ва "Мехмаш Агро" масъулияти чекланган жамиятлари, шунингдек, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг тақдимотлари ўтказилди.

Уларда алоҳида таъкидланганидек, ташкил этилаётган тадбирлар мамлакатимизнинг чекка ҳудудларига саноатни олиб кириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар турларини кўпайтириш, қисқача айтганда, иқтисодиётимизнинг жозибадорлигини оширишда янги уфқларни очаяпти. Жумладан, Жиззах вилоятида кейинги йилларда саноат ривожланиб, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 1155 тага етди. Улар томонидан шу йилнинг январь — сентябрь ойларида 411,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 11,2 фоиз ўсишга эришилди. 32 та йирик саноат корхонаси эса 111 турдаги маҳсулоти билан ярмаркада иштирок этаяпти. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, улар 2013 йилда ички бозорга 13,5 миллиард сўмлик, ташқи бозорга эса 24,4 миллион АҚШ долларилик маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар имзолашни мўлжаллашган.

— Бу йилги ярмаркада Тошкент вилоятидан 55 та йирик корхона иштирок этаётган бўлиб, улар томонидан қарийб 100 турдаги саноат маҳсулотлари намойиш қилинмоқда, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Сайёра Файзиева. — Эътиборлиси, шундан салкам 30 тури Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йилда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган импорт ўрнини босувчи маҳсулотдир. Уларга бўлган қизиқиш жуда юқори. Шу боис ярмарка давомида 60 миллиард сўмлик ички, 395 миллион АҚШ долларилик экспорт шартномалари тузилиши кутилаяпти. Бу вилоятимиз саноат салоҳияти юксалишига, иқтисодиётимиз ривожига муносиб улуш бўлиб қўшилади, албатта.

Шу ўринда айтиш жоизки, республикамизнинг барча истеъмолчилари тадбирлар давомида буюмлар, қайта ишланган хом ашё ва материалларни қўшимча тендерлар ўтказмасдан, тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиб олишлари мумкинлиги ишбилармонлар учун яратилган яна бир қулайликдир. Бундан ташқари, республикамиз тижорат банклари, лизинг ва суғурта компаниялари форум иштирокчиларига ўз маслаҳатларини бериб, шу ерда хизмат кўрсатишмоқда. Буларнинг барчаси томонлар учун бирдек манфаатли келишувларга эришиш, битимлар тузишга хизмат қилади.

VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари У. Розуқулов иштирок этди.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# Истиқлол саодати ва шукрона

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу каби фазилатлар мана шундай байрам кунларида янада яққолроқ кўзга ташланади. Бинобарин, буюк неъмат — мустақиллик туфайли динимиз ва миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Ислом маданиятига мансуб бўлган минг йиллик тарихга эга, ўтмиш қаъридан оламга нур таратиб келган муқаддас обидалар — масжид ва мадрасалар мўмин-мусулмонларга қайтариб берилди. Аждодларимиздан қолган тарихий меросимиз қайта тикланди, инсоний қадриятларимизнинг асосини ташкил этган Ислом дини таълимотларидан элимиз яна баҳраманд бўла бошлади.

Ҳур диёримиз мўмин-мусулмонлари мустақиллик шароитида эркин нафас олаётганликларидан Аллоҳ таолога чексиз миннатдорлик изҳор қилиб, доимий равишда даргоҳига ҳамду санолар айтяптилар. Ватанимиз мустақиллиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб, Ўзбекистонимиз халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш даражаси, эл-юрт фаровонлиги янада равнақ топмоқда. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан мусулмонларнинг диний маросимларини, ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун лозим бўлган барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

Истиқлол неъмати боис, алҳамдулиллоҳ, юртимизнинг ҳар бир гўшаси кундан-кунга янгича чирой очмоқда. Айниқса, пойтахтимизда қад ростлаётган замонавий иншоотлар юртимиз кўркига янада кўпроқ файз бахш этмоқда. Шунинг баробарида, харобага айланиб қолган масжидлар қайта тикланиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг қонун доирасида фаолият юритиши таъминланди.

Мана шундай улуғ кунларда ният қиламизки, Аллоҳ таоло юртимиз фаровонлиги, элимиз тинчлигини янада зиёда қилсин. Истиқлолимизнинг нурафшон ёғдуси қалбларимизни мунаввар айлайверсин.

**Анвар ТУРСУНОВ, Тошкент шаҳар бош имом хатиби.**

# Тошкент анжуманининг якунлари Лондонда муҳокама қилинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия кенгаши ҳамраиси Питер Лилли** Тошкент анжумани халқаро миқёсдаги воқеа бўлганини ва айни шу жиҳатдан унда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни диққат билан ўрганиш лозимлигини қайд этди. "Кичик бизнес ҳар қандай давлат тараққиётида муҳим ўрин тутади. Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия кенгашининг вазифаларидан бири мазкур соҳа вакилларининг жаҳон бозорига чиқишларига кўмаклашишдир. Мамлакатларимизнинг улкан салоҳияти самарали ҳамкорлик олиб боришга, жумладан, инновациялар ва ахборот технологиялари сингари соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантириш учун катта имконият беради. Шу боис биз кичик бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўлимиздан келган барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишга тайёрмиз", деди П. Лилли.

**"Pathfinder Trade and Invest" компаниясининг бош ижрочи директори Майкл Томас** Тошкент анжуманида иштирок этишга таклиф қилингани учун миннатдорчилик билдирар экан, тадбир чоғида Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари фаолияти, мамлакатимизнинг таълим муассасалари ва юртимиздаги тарихий обидалар билан танишиш имкониятига эга бўлганидан мамнун эканлигини таъкидлади.

"Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатингиз иқтисодий тараққиёти, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожи тўғрисидаги мазмунли нутқи менда катта таассурот қолдирди", деди Буюк британиялик ишбилармон.

**"Financial Services for Eastern Europe" компаниясининг бошқарувчи директори Людмила Шереметьева**нинг айтишича, халқаро конференция унинг иштирокчиларига Ўзбекистоннинг ҳар томонлама тараққиёти ҳақида кенг тасаввурга эга бўлиш, мустақиллик йилларида кичик бизнес, таълим ва маданият соҳаларида эришилган муваффақиятларни ўз кўзлари билан кўришлари учун жуда қулай имконият яратди.

"Ҳар қандай мамлакат сармояларни жалб этиш учун ўз тараққиётининг муваффақиятли тарихини намоён қила олмоғи лозим. Ўзбекистонда бўлганимизда, биз давлатингиз қандай бой тарихга эга эканлигига яна бир карра амин бўлдик. Юртингиздаги мавжуд имкониятлар, қулай сармоявий ва ишбилармонлик муҳити ҳақидаги маълумотларни бутун дунёга ёйиш ҳамда Буюк Британия ва Европа компанияларини ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка жалб этиш учун қўлимиздан келган барча саъй-ҳаракатларни амалга оширмоғимиз лозим, деб ўйлайман", деди Л. Шереметьева.

**Норвегиянинг "International Development Norway" компанияси президенти Андерс Столан** қисқа муддат ичида ўз компанияси ва ўзбекистонлик шериклар ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш борасида салмоқли ютуқларга эришилганини маълум қилди. Хусусан, у "Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа" институти билан имзоланган Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. А. Столаннинг фикрича, қуёш энергетикаси соҳасидаги қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича қўшма лойиҳа мазкур ҳужжатни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги биринчи қадам бўлади. Норвегиялик ишбилармон Тошкентда Юқори технологиялар марказини яратиш лойиҳаси доирасида икки томонлама илмий-техникавий ҳамкорлик учун улкан истиқболлар мавжудлигини ҳам қайд этди.

**"Tethys Petroleum — Uzbekistan" компаниясининг вице-президенти Тамара Лакхёрст** мазкур компания вакилларининг Ўзбекистонга уюштирган сафари мамлакатларимиз ўртасида кичик бизнес соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболларини ўрганиш жиҳатидан жуда фойдали бўлганини билдирди. Унинг сўзларига қараганда, ҳозирги пайтда Ўзбекистон жадал ривожланиб бормоқда, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар эса ўз самарасини бераётир. Т. Лакхёрст ўзи фаолият юритаётган компания ҳамда унинг ўзбекистонлик шериклари ўртасидаги алоқалар янада кенгайишига ишончи комил эканлигини айтди.

**Буюк Британиядаги Шаҳодатли ҳисобчилар институтининг бош ижрочи директори Гарри Картер** Ўзбекистон кичик бизнес субъектлари учун солиқ юкини камайтириш борасида катта муваффақиятларга эришгани, бу эса, ҳатто, Европанинг ривожланган мамлакатларида ҳам ҳар доим кузатилмаслигини алоҳида таъкидлади. Г. Картер Шаҳодатли ҳисобчилар институтининг Ўзбекистонда ҳисобчилик жабҳасининг халқаро талаблар даражасида ривожланиши учун мамлакатимизга кўмаклашишга қаратилган узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни кенгайтиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Давра суҳбати кичик бизнес соҳасидаги ҳамкорликнинг янги истиқболлари тўғрисидаги баҳс-мунозараларга бой бўлди. Тошкент халқаро анжуманининг британиялик иштирокчилари билдирган фикрларга кўра, Буюк Британия делегациясининг конференциядаги иштироки ва унда эришилган келишувлар мазкур мамлакат ишбилармонларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Тадбир доирасида "Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққиёти" номли фильм намойиш қилинди.

**«Жаҳон» АА.**
Лондон

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Вануатуда зилзила

***Тинч океани соҳилида жойлашган Вануату давлатида 6,2 балли зилзила содир бўлди.***



"Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, табиий офат маркази мамлакат пойтахти Порт-Виладан 500 километр шимоли-ғарбда қайд этилган. Вайронагарчиликлар кузатилмаган, цунами хавфи ҳам йўқ.

Вануату сейсмик фаол ҳудудда жойлашган давлат ҳисобланади. Шу боис бу ерда ҳар йили ўртача етти баллга тенг бир нечта ер силкиниши содир бўлиб туради.

## Олимпиада мезбонлигига даъвогар

***Германиянинг Мюнхен шаҳри 2022 йилги қишки Олимпиада ўйинларини ўтказишга даъвогарлик қилмоқда.***

— Аслида биз ушбу нуфузли спорт байрамининг 2018 йилги мезбони бўлишни жуда-жуда хоҳлагандик, — дейди шаҳар кенгаши аъзоларидан бири Марио Шмидбауэр. — Аммо бу борадаги пойгада Жанубий Кореянинг Пхенчхан шаҳрига имкониятни бой бериб қўйдик. Шу боис олимпия қўмитамиз ва ҳудудий ҳокимиятлар билан ўн йилдан сўнг Олимпиадани қабул қилиш учун астойдил тайёргарлик кўришга келишиб олдик.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Мюнхен шаҳри 1972 йилги ёзги Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилган.

## Зарар билан якунлади

***АҚШнинг йирик банкларидан бири "Morgan Stanley" ўтган чоракни бир миллиард АҚШ долларидан кўпроқ зарар билан якунлади.***




Бу ҳақда молия муассасаси томонидан тарқатилган матбуот-хабарномасида маълум қилинган. Экспертларнинг фикрича, ушбу банк фаолиятида бундай пасайиш кузатилиши таажжубланарли. Чунки у кейинги йилларда самарали ишлаётганди. Масалан, ўтган йилнинг учинчи чорагида "Morgan Stanley" 2,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад кўрган.

## Қизил ёмғир

***Келаётган якшанба куни Швецияда табиатда камдан-кам кузатиладиган ҳодиса — "қонли ёмғир" ёғиши мумкин, деб ёзади маҳаллий "Local" нашри.***

Табиийки, ушбу хабар аҳоли ўртасида саросимани келтириб чиқарди. Шу боис мамлакат метеорология институти ходими Йоким Лангнер фуқароларни ташвишланмасликка чақирди. Мутахассиснинг айтишича, бу одатий ёмғирдан фарқ қилмайди, фақат томчиларнинг ранги қизил тусда бўлади, холос. Унинг инсон саломатлигига ёки атроф-муҳитга зарари йўқ.

Швецияда олдин ҳам шундай ғайритабиий ҳодиса кузатилган. Яъни беш йил аввал баҳорда қизил рангли ёмғир ёғиб ўтганди.

Эътиборли жиҳати, бундай сирли ҳодиса ҳақида эрамиздан аввалги VIII асрда яшаган адиб Гомер ўзининг "Илиада" асарида ҳам қайд этган экан.

## Ғалати топилма

***Мексикалик археологлар мамлакатнинг Наярит штати ҳудудидан 12 та қадимий қабрни топишди.***



Улар базальт (шишасимон тоғ жинси)дан тўрт бурчак қути шаклида ясалган бўлиб, мармар плиталар билан маҳкамланган. Бу ердан жуда кўп миқдорда суяклар, шунингдек, ҳар бир қабрдан суяк тўла сопол кўза ва учта ҳайкалча ҳам топилган. Улардан иккитаси деярли бир хил бўлиб, кекса аёл тасвирланган.

Мутахассисларнинг фикрича, қабрлар тахминан IX — XI асрларга тегишли. Аммо шу пайтгача Мексика ҳудудида бундай топилмага дуч келинмаган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

Молия муассасаларида

*Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлаш молия муассасаларининг самарали фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб, бугунги кунда улар "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" деган тамойил асосида иш юритмоқда. Буни Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, унинг Қорақалпоғистон бўлими ва жойлардаги филиаллари тадбиркорларнинг ҳақиқий таянчига айланганини таҳсинга сазовордир.*

# «Миллий банк»: ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИ

Хусусан, мазкур бўлимнинг Тўрткўл филиали томонидан жорий йилнинг 8 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 5 миллиард 558 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Натижада юртимиз иқтисодиётини юксалтиришда муҳим ўрин тутувчи бир қанча саноат корхоналари фаолияти йўлга қўйилиб, кўплаб иш ўринлари яратилди.

Беруний туманидаги «Қиёт парранда» масъулияти чекланган жамияти ҳам мазкур банк мижози ҳисобланади. Тадбиркор Шарифбой Қодиров ташаббуси билан амалга оширилган ушбу йирик лойиҳа учун банк филиалидан 1,5 миллиард сўмлик кредит йўналтирилди. Бунинг натижасида 85 киши доимий иш билан таъминланди. Айни пайтда жамоа аҳли аҳолига кунига 15 минг дона тухум ва 200 килограмм парҳез таом — товуқ гўшти етказиб бермоқда.

— Анча вақтдан буён иссиқхона барпо этишни ва унда қишда ҳам, ёзда ҳам дастурхонимиз кўрки бўлмиш сархил ва экологик тоза сабзавотлар етиштиришни орзу қилардим, — дейди тўрткўллик тадбиркор Баҳром Ўрозимбетов. — Қарангки, банк ходимлари бизнес-режамизни қўллаб-қувватлаб, тез орада 500 миллион сўмлик кредит маблағи ажратишди. Бунинг ҳисобидан ўзим бошқараётган «Намунали Қурбонбой» агрофирмаси қошида 50 киши меҳнат қилувчи замонавий иссиқхонани қуриб, ишга туширдик. Насиб этса, шу йилнинг декабрь ойида илк ҳосилни териб оламиз.

Маълумки, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ёш авлоднинг мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун бизнес лойиҳаларини молиялаштириш, қолаверса, уй-жой шароитларини яхшилаш масалалари кўзда тутилган. Ушбу ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, банкнинг Тўрткўл филиали томонидан шу кунгача 68 та ёш оилага 234,3 миллион сўмлик истеъмол кредитлари берилди. Бу билан юртимизда бахтиёр оилалар сафи янада кенгайди.

Эътиборлиси, ажратилаётган кредит маблағлари аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишда ҳам муҳим омил бўлмоқда. Масалан, "Динур SM" масъулияти чекланган жамиятида банкнинг 165 минг 750 АҚШ доллари миқдоридаги кредити ҳисобига хорижнинг



замонавий тиббий асбоб-ускуналари ўрнатилган эди. Бу ўнга яқин иш ўринлари яратилган ушбу соғломлаштириш марказига ташриф буюрувчиларнинг касалликларини тезда аниқлашда яхши самара бераётир.

*— Янги тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида қисқа фурсатда 3528 киши кўрикдан ўтказилиб, уларга қарийб 87 миллион сўмлик хизматлар кўрсатилди, — дейди жамият раиси Муқаддас Қўчқорова. — Бизга кўрсатилган молиявий кўмак учун банк ходимларидан миннатдормиз.*

Утемурат Панаев ҳам мазкур банк билан ҳамкорликни йўлга қўйган тадбиркорлардан бири ҳисобланади. Унинг саъй-ҳаракати туфайли «Титан ДСЗ» масъулияти чекланган жамиятига 570 минг АҚШ долларидан зиёд кредит ҳисобига хориждан замонавий технология келтирилгач, бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортди. Бундан ташқари, корхонада 16 та иш ўрни ташкил этилиб, сифатли шағал ва темир-бетон маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Ўтган муддат ичида эса салкам 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот юртимизда амалга оширилаётган йирик қурилишлар, шу жумладан, «Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу» миллий автомагистрали бунёдкорларига етказиб берилди.

*— Президентимиз таъкидлаганларидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг бугунги ва эртанги ривожланиши, фаровон турмушимизнинг мустаҳкам таянчига айланиб бормоқда, — дейди Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Исо Муродов. — Бу, албатта, уларнинг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани самарасидир. Жамоамиз томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида 36 миллиард 213,6 миллион сўмлик кредит ажратилгани шундан далолат беради. Қувонарлиси, ана шу маблағ бугун кўплаб юртдошларимизнинг турмуши фаровонлашувига хизмат қилмоқда.*

Мухтасар қилиб айтганда, "Миллий банк"нинг Қорақалпоғистон бўлими ва унинг филиаллари жамоалари бундан кейин ҳам тадбиркорларнинг ҳақиқий таянчи бўлиш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

● Реклама ва эълонлар ●


**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2011 йил 3 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Shela Ram Textile Trading» ШКга тегишли, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Суқрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3781 кв.м. бўлган, 4 қаватли ертўлали маъмурий бино ва иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 768 769 727,22 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 10 майдаги 10-1219/5210-сонли ва 2012 йил 9 апрелдаги 10-1209/2206-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа (собиқ Х. Турсунқулов) кўчаси, 12-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 432 кв.м. бўлган, жами 18 хонадан иборат 2 қаватли маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 215 716 500 сўм.***

*Аукцион савдоси 2012 йил 15 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 13 ноябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-80-26.Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1779А/1441



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлимининг 2012 йил 17 августдаги ижро иши юритувларини бирлаштириш ҳақидаги қарорига асосан, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Барданкўл» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, «Автомагистраль» кўприклар қуриш, таъмирлаш бўлимига тегишли, умумий ер майдони 3,1945 гектар, жами қурилиш майдони 1809,37 кв.м., 2 қаватли маъмурий бино, цех, қоровулхона, ёрдамчи бино, 3 та омборхона, ҳожатхона, 3 та бостирмадан иборат бўлган кўчмас мулклар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 747 470 000 сўм.***

*Аукцион савдоси 2012 йил 27 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади.*

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 23 ноябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1777А/1441



**ТАРОЗИЛАР**
**Micros** Ўзбекистондаги расмий ҳамкор
**CAS** Корпорацияси (Жанубий Корея)
**МАССА-К** Акциядорлик жамияти
0,0001 гр. дан 250 тоннагача
**ИЖАРАГА**
кран тарозилари бор
Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис
- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+99871) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.
www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz
1736R/770



**ООО «SHANXAY PLAST GROUP»**
*ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ*
SPG PIPILENE
производит
**полиэтиленовые трубы**
Ø от 16 до 800 мм
для водоснабжения, канализации и газа,
соединительные детали:
**тройники, переходники, отводы, адаптеры.**
*НА ВСЮ ПРОДУКЦИЮ ИМЕЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ И ГИБКАЯ СИСТЕМА СКИДОК.*
**Производим поставку, монтаж и комплектацию ПЭ-трубопроводов Ø от 16 до 800 мм под ключ.**
*Гарантия качества! Звоните!*
Адрес: г. Ташкент, ул. Зиёлилар, 42.
Телефон (+99890) 195-22-15.
Факс 269-02-03.
WWW.pipilene.uz E-mail: sedou2006@yandex.ru
1630R/40



***Билдириш!***

1. «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 9 октябрдаги 198-сонида эълон қилинган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 73-уйда жойлашган нотуржойнинг бошланғич баҳоси 313 861 500 сўм, деб ўқилсин.
2. «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 20 октябрдаги 207-сонида эълон қилинган аукцион савдосининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 5 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади, деб ўқилсин.

**«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.**

***Лицензия: № RR-0017.***



**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Навоий вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Навоий шаҳар судининг 2012 йил 20 декабрдаги 1-482/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «ORIENT-R-NAVOIY» ХКга тегишли, Кармана тумани, «Нарпай» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 8645 кв.м., ишчи майдони 133,87 кв.м., умумий майдони 1628,48 кв.м. бўлган, 11 хонадан иборат молхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 290 436 192 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 23 ноябрь куни соат 18.00.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТИБ «Ипотека-банк»и Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий ш., П. Очилов к., 24-уй, Навоий вилояти Давлат мулкини бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.**
**Телефонлар: (8-436) 224-44-01, 224-15-61.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1778R/1441

*Президентимиз халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ёш авлодни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш масаласи Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим, энг устувор йўналиши эканини таъкидлаб, жумладан, шундай деди: “Барчамиз бугун чуқур англаб олдик — фақатгина замонавий, мустақил фикрлайдиган, жаҳоннинг манаман деган мамлакатларидаги тенгдошлари билан беллаша оладиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол ёшлар биз бошлаган ишларни муносиб давом эттириш ва янги босқичга кўтаришга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам биз бу ҳал қилувчи вазифани мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, тараққий топган демократик давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашининг асосий шарти ва гарови деб биламиз”.*

# Жисмонан соғлом, маънан етук

## авлодни тарбиялаш мамлакатимизнинг тараққий топган демократик давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашининг асосий шарти ва гаровидир.

Ана шундай юксак ва эзгу мақсадга эришишда Хоразм вилоятида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини ҳаёт қоидасига айлантириш, жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш борасида катта ишлар қилинаяпти, дея эътироф этилгани қалбимизга чексиз ғурур бағишлади. Ўз навбатида, бундай юксак баҳо зиммамиздаги масъулият ҳисси янада ортганини ҳам англатади.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги Фармони асосида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилган эди. Мазкур жамғарма республикамизнинг барча ҳудудларида жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техник базасини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш, умумий ўрта таълим мактаблари қошида, шунингдек, аҳоли яшаш жойларида замонавий спорт мажмуаларини барпо этиш, уларни бугунги кун талабларига мос спорт анжомлари билан жиҳозлаш, ушбу иншоотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш каби қатор вазифаларни амалга ошириб келаяпти. Бу эса ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Юртбошимизнинг 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ана шу эзгу вазифаларни сифат жиҳатидан муҳим босқичга кўтарди.

Агар 2003 йилгача вилоятимиздаги умумтаълим мактабларининг фақат 63 фоизида спорт заллари мавжуд бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 88 фоизни ташкил этмоқда. Болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида ўтган уч йил давомида 85 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилгани, уларнинг 80 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда экани ёшларимизнинг, айниқса, қиз болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун ҳар томонлама қулай имконият туғдирмоқда. Эътибор қилинг, баркамоллик масканларини бунёд этиш ишларига бугунги кунгача биргина Хоразмда 28 миллиард 954 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди! Бу эртамиз эгалари тарбиясига нақадар катта аҳамият қаратилаётганини яққол ифодалайди. Спорт мажмуалари ва мактаб спорт заллари зарур жиҳоз ҳамда инвентарлар билан таъминланган.

Табиийки, иншоотларни қуриб қўйган билан иш битмайди. Уларга болаларни жалб қилиш, шароитлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш кўзланган мақсадларга эришишнинг асосий шартидир. Масалан, қизларнинг жисмоний машғулотлар билан банд бўлиши нафақат саломатлиги, балки қадди-қомати тўғри шаклланишида ҳам жуда катта наф беради. Ота-оналар шу жиҳатларни тобора чуқурроқ англаб етаётгани қувонарлидир.

> ***Яратилган замонавий шароитлар туфайли хоразмлик мактаб ўқувчиларидан 1 минг 500 нафари республика миқёсида, 140 нафари эса халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида иштирок этди. Охирги 5 йилда вилоятдан 6-18 ёшгача бўлган 712 нафар спорт усталигига номзод, 136 нафар спорт устаси, 15 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси етишиб чиқди.***

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари қалбида спортга муҳаббат туйғуларини шакллантириш ишларига таълим муассасаларидаги “Камолот” ЁИҲ бошланғич ташкилотлари етакчилари, хотин-қизлар қўмитаси ва маҳалла фаоллари ҳам кенг жалб этилган. Ушбу ҳамкорлик ўз натижасини бераяпти. Бугунги кунда спорт ва соғломлаштириш гуруҳларида 137 минг 221 нафар бола мунтазам шуғулланаётгани, уларнинг 52 минг 877 нафари қизлар экани бунинг тасдиғидир. Спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар куни ўртача 6-8 соатни ташкил қилмоқда.

Ёшлар орасида спортни оммалаштиришда турли мусобақалар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, “Умид ниҳоллари”, “Ёзги таътил”, “Қувноқ стартлар”, “Футболимиз келажаги”, “Баҳор маликаси” беллашувлари, фестиваллар, оила ва маҳаллалараро оммавий спорт мусобақаларида ўқувчилар фаол қатнашаяпти. Шунингдек, мактабларда шанба ва якшанба кунлари анъанавий “Очиқ эшиклар куни”, “Очиқ дарслар” ўтказиб келинмоқда. Умуман, йил бошидан буён тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилган 120 га яқин спорт тадбирида 385 минг нафардан зиёд ўқувчи фаол иштирок этди.

Шу йил бошида Урганч шаҳрида ўтказилган бокс бўйича республика биринчилигида, апрель ойида дзюдо бўйича ёшлар ўртасида уюштирилган мамлакат чемпионатида хоразмлик спортчилар биринчи ўринни эгаллашди. Айниқса, Янгибозор тумани ёшларининг кейинги пайтда республика ва халқаро спорт майдонларида қўлга киритаётган ютуқлари эътиборга молик. Жумладан, белбоғли кураш бўйича Осиё чемпиони Раҳматжон Шомуротов, икки карра жаҳон чемпиони Замира Аҳмедова шу туманда камолга етган. Бундай маҳоратли спортчилар сафи тобора кенгайиб бораяпти.

Юртбошимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг ҳар бир йиғилишида фаолиятимиз учун дастуриламал бўладиган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларни, таклиф ва тавсияларни билдирадилар. Биз ана шу вазифалар ижросини таъминлаш учун бундан кейин ҳам бор куч-ғайратимизни, салоҳиятимизни ишга соламиз.

**Комилжон ИБРАИМОВ,**
**Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хоразм вилояти филиали директори.**

# «Самарқанд юлдузлари»

## Азим ва ҳамиша навқирон шаҳарда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

*Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда “Rowing & Canoe” федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган “Самарқанд юлдузлари” мусобақасида юртимиз вакилларидан ташқари Венесуэла, Франция, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Қозоғистон каби давлатлардан келган икки юз нафарга яқин спортчилар 88 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб боришди.*

### Спорт

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда спортнинг академик, байдарка ва каноэда эшкак эшиш тури жадаллик билан ривожланиб бораяпти. Иқтидорларни аниқлаш, уларнинг маҳоратини ошириш мақсадида ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятининг йўлга қўйилаётгани, вакилларимизнинг халқаро мусобақаларда иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Қитъа ҳамда жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинлари ва бошқа нуфузли халқаро беллашувларда ҳамюртларимизнинг совриндорлар қаторидан мунтазам жой олиб келаётгани ана шу эътибор самарасидир.

Энди бевосита мусобақа тафсилотларига тўхталсак. Унинг дастлабки кунида ўсмирлар, катта ёшдаги байдарка ҳамда каноэчилар яккалик, икки ва тўрт кишилик қайиқларда 1000 метр масофани босиб ўтиш бўйича ўзаро беллашдилар. Осиё ўйинлари кумуш медали соҳибаси, ҳамюртимиз Екатерина Шубина ушбу масофага байдаркада эшкак эшишда ўзининг асосий рақиби, кўп карра Жаҳон кубоги босқичлари ғолиби, франциялик Морель Гвендолинени бир неча сонияга ортда қолдириб, олтин медалга сазовор бўлди.

Қизлар ўртасида икки кишилик қайиқда спортчиларимиздан Мария Горн ва Зарнигор Қосимова биринчи ўринни қўлга киритди. Байдаркачи ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда эса икки кишилик қайиқда ҳамюртларимиз Сергей Бухалцев ҳамда Марлен Сентягов ғолибликка эришди. Катталар ўртасида бир кишилик қайиқда спортчимиз Алексей Мочалов, шунингдек, тўрт кишилик қайиқда Сергей Борзов, Александр Тропин, Алексей Мочалов ва Вячеслав Горндан иборат жамоа биринчи ўринни эгаллади.

Халқаро турнирнинг иккинчи ва учинчи кунлари ҳам вакилларимиз учун омадли якунланди. 500 ва 200 метрлик масофага кечган баҳсларда уларга, асосан, Жанубий Корея, Франция ва ҳиндистонлик эшкакчилар муносиб қаршилик кўрсатишди. Екатерина Заркова, София Емельянова, Мирзиёд Ҳожиев, Серик Мирбеков, Александр Тихинов, Владислав Патофеев каби спортчиларимиз ғолиблик нашидасини суришди.

Байдарка ва каноэда 5000 метр масофани босиб ўтиш беллашувлари жуда муросасиз ва қизиқарли кечди. Қизлар ўртасидаги мусобақада ҳамюртимиз Мария Горнга тенг келадигани топилмади. Эркаклар ўртасида эса байдаркачиларимиздан Алексей Мочалов биринчи ва Сергей Борзов иккинчи бўлди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Кўргазма

*Тошкент Фотосуратлар уйида 23 октябрь куни «Шанхай: Шарқ дурдонаси — Тошкент билан биродарлашган шаҳар» фотокўргазмаси очилди.*

# Фотосуратларда Шанхай манзаралари

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Бадиий академияси, Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳри хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А. Нуриддинов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бошқа соҳалар қатори маданият ва санъат йўналишларида ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Хитойнинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган Шанхай 1994 йилдан буён Ўзбекистон пойтахти — Тошкент билан биродарлашган. Шанхай иқтисодиёти ва саноати юксак ривожланган шаҳарлардан.

Ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мазкур кўргазмада Шанхай шаҳри манзараларини акс эттирувчи бир юз йигирмага яқин фотосурат намойиш қилинмоқда.

— Кўргазмадан мақсад суратлар орқали ўзбекистонликларни Хитой халқининг маданияти, жумладан, мамлакатимизнинг энг тараққий топган шаҳарларидан бири — Шанхай билан яқиндан таништиришдан иборат, — деди Хитой Халқ Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Сяо. — Бундай маданий тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

ТАДБИРКОРЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА!
MIKROKREDITBANK

СИЗНИНГ МАБЛАҒИНГИЗ «МИКРОКРЕДИТБАНК» ОМОНАТЛАРИДА СОНИЯЛАР САЙИН КЎПАЯДИ!



«ИШБИЛАРМОН» ОМОНАТИ

Мурожаат учун телефонлар: (+998 71) 273-05-80, 273-05-87.

Хизматлар лицензияланган.

1775A/1201

HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO.,LTD.




ООО «GST OIL» — официальный дистрибьютор в Узбекистане

Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссик сув, 118.
Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60.
E-mail: gsthyundai@gmail.com
Web site: www.hhi.uz

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН 420R/320




«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

## ОБ-ҲАВО

(24 октябрь)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +2 +7 | +16 +21 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +2 +7 | +16 +21 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +2 +7 | +16 +21 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +3 +8 | +19 +24 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +1 +6 | +15 +20 |
| Тошкент шаҳрида | +4 +6 | +19 +21 |

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 61 384 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5